

жами инвестициялар ҳажми 2013 ва 2015 йилларда олдинги йилга нисбатан ўсишнинг юқори даражасини (тегишли равишда 134,1% ва 134,9%) намоён этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2016 йилда атиги 106%ни ташкил этган. Айниқса, хорижий инвестицияларнинг олдинги йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичларида кескин тебранишлар кузатилиб, бу 20122016 йилларда тегишли равишда куйидаги даражада бўлган: 27,6%; 32,8%; 358,3%; 56,8%; 73,2%; 213,8%. Бундан кўринадики, тармоққа хорижий инвестицияларни жалб этишга жуда кўплаб омиллар таъсир кўрсатиб, бу ўринда мазкур жараённинг барқарорлиги таъминлашга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам мавжуд. Фармацевтика саноатига жалб этилган инвестициялар таркибининг солиштирма салмоғи тахлили юқоридаги хулосаларнинг янада аниқроқ бўлишини таъминлайди. Тахлил қилинаётган даврда жами инвестициялар умумий ҳажмида хусусий маблағлар 47,1%ни, хорижий инвестициялар 27,6%ни, банк кредитлари 25,3%ни ташкил этган. Бирок, йиллар кесимида ушбу кўрсаткичлар ҳам кескин тебраниб турган. Жумладан, хорижий инвестицияларнинг инвестициялар умумий ҳажмидаги солиштирма салмоғи 20112016 йилларда тегишли равишда куйидагича бўлган: 57,8%; 17,0%; 45,5%; 23,4%; 12,7%; 25,6%.

Хулоса: Ҳозирги шароитда мамлакатимиз фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этишда ташкилийҳуқуқий, ижтимоийиқтисодий, молиявий ва бошқа тавсифдаги кўплаб муаммолар учрайди. Бу эса, тармоққа хорижий инвестицияларни жалб этиш барқарорлиги ҳамда, тегишли равишда, уларнинг самардорлигига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Шунга кўра, ушбу муаммоларни ҳал этишнинг турли даража ва йўналишдаги чоратадбирлар тизимининг ишлаб чиқилиши ва изчил амалга оширилиши қисқа муддатлар ичида мазкур соҳанинг юқори тараққиётига имкон яратади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий тахлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. Т.: Ўзбекистон, 2017.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида, 2017 йил 3 май. <http://uza.uz/>

3. “Ўзфармсаноат” акциядорлик концернининг тегишли йиллардаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жалолиддинова М.Ш., Юнусова Х.М.

НОСТЕРОИД ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИНИ ЯРАТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

E-mail: nshadiyeva@mail.ru

Ностероид яллиғланишга қарши дори воситаларининг (НЯҚДВ) кенг қўламда ишлатилиши уларнинг кучли оғриқ қолдириши, яллиғланишга қарши таъсири ва антипиретик хусусияти билан боғлиқ. Бу гуруҳ препаратларини катта ёшдаги одамларнинг 20 дан 40% гача миқдордагиси қабул қилади, уларнинг 6% 9 ойдан кўп муддатда қабул қилади. Кўплаб чет эл олимларининг нашрларида беморларни дориларни рецептсиз сотиб олишлари ва фақат 7% эркаклар ҳамда 12% аёлларгина шифокор маслаҳати билан дорини қабул қилишлари ёритилган. Буюк Британияда ҳар йили 24 миллион рецептура рўйхатга олинади, АҚШда эса НЯҚДВ дориларнинг сотув ҳажми 6 миллиардга етади. Ушбу кўрсаткичлардан кўринадики, НЯҚДВ қўллаш даражаси бўйича антибиотиклардан кейинги иккинчи ўринни эгаллаб, ревматологияда асосий препаратлардан бири бўлиб келмоқда [1,2,3]. Бугунги кунда аҳолини юқори самардорликка эга бўлган, безарар ва арзон дори воситалари билан таъминлаш замонавий тиббиётнинг ўта

муҳим, ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Давлатимиз томонидан аҳолини юқори сифатли, безарар ва етарли даражада самарали дори воситалари билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси фармацевтик бозорида асосий таъсир этувчи моддаси диклофенак натрий бўлган комбинирланган дори препаратларининг умумлаштирилган таҳлили олиб бориш ва қиёсий таққослаш.

Материаллар ва методлар: фармацевтика бозоридаги кенг кўламда ишлатиладиган ностероид яллиғланишга қарши дори воситалари ассортиментининг умумлаштирилган таҳлили ўтказилди. Ностероид яллиғланишга қарши дори воситалари ассортиментини таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикасида қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестри, «Drug-audit» маълумотлар базаси асос бўлди. Юқори ташкилотлар томонидан қабул қилинган фармацевтика саноатини янада ривожлантириш бўйича тегишли чора тадбирлар асосида, фармацевтика бозоридаги маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотлари улушини аниқлаш олиб борилган изланишнинг асосий мақсадини ташкил этди. 2015-2016 йиллардаги Ўзбекистон Республикаси фармацевтик бозорида асосий таъсир этувчи моддаси диклофенак натрий бўлган дори препаратларининг умумлаштирилган таҳлили олиб борилди. Тадқиқотларда НЯҚДВ гуруҳига мансуб асосий таъсир этувчи моддаси диклофенак натрий бўлган дори препаратларининг таблетка, капсула, шамча, суспензия, ампула, суртма, гель ва инъекция дори шакллариининг халқаро номлари бўйича ассортимент таҳлили шакллантирилди.

Натижалар: олинган натижалардан қуйидагилар маълум бўлди: дори шакллари орасидаги фарқ солиштирилганда эритмалар (29%), таблетка (24%) ни, шу жумладан, шамчалар (19%), гель (13%), суртма (5%), капсула (4%), томчи (3%), суспензия (2%) ва 1% ампула дори шакллариини ташкил қилди. Кейинги тадқиқотларда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган асосий таъсир этувчи моддаси диклофенак натрий бўлган дори препаратларининг ассортимент тузилиши таҳлил қилинди. Ҳорижий ва маҳаллий дори препаратларини таққослаш таҳлили эса хорижий давлатлардан келтирилган қайд қилинган НЯҚДВ гуруҳига мансуб асосий таъсир этувчи моддаси диклофенак натрий бўлган дори препаратларининг дори шакллари ассортименти бўйича лидерликни Ҳиндистон (23), Россия (17), Ўзбекистон (15) ва бошқа давлатлардан келтирилган дори шакллари ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида эритма дори шакли ишлаб чиқарилиши ва сотилиши бўйича бошқа дори шаклларига нисбатан олдинги ўринларни эгаллайди. Дори препаратларининг таркиби солиштирилганда Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан диклофенак натрийнинг фақат нонаркотик аналгетиклар гуруҳига мансуб парацетамол билан комбинирланган дори препарати ишлаб чиқарилаётганлиги ўрганилди. Таҳлил натижалари диклофенак натрийнинг парацетамол билан комбинирланган препаратларининг сон ва нарх кўрсаткичлари паст эканлигини ва деярли мавжуд эмаслигини кўрсатди. Шунинг учун, бундай камчиликларни бартараф этиш мақсадида, фармакологик гуруҳи яллиғланишга қарши ностероид дори воситаси билан бирга протон насос ингибиторлар, меъда ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қобиғини ҳимояловчи, трофик ва регенератив жараёнларни рағбатлантирувчи препаратларнинг комбинациясини ўрганган ҳолда, Ўзбекистонда илк бор комбинирланган оғриқ қолдирувчи дори препаратини яратиш юқори аҳамиятга эгадир.

Хулосалар: олинган натижалар шуни кўрсатадики, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан импорт ўрнини босувчи НЯҚДВ гуруҳига мансуб асосий таъсир этувчи моддаси “диклофенак натрий” бўлган дори препаратларининг таблетка, капсула, ампула, суртма дори шакллариини ишлаб чиқариш, такомиллаштириш, шу билан бирга фармакологик гуруҳи яллиғланишга қарши ностероид дори воситаси билан бирга протон насос ингибиторлар, меъда ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қобиғини ҳимояловчи, трофик ва регенератив жараёнларни рағбатлантирувчи препаратларнинг комбинациясини ўрганган ҳолда, комбинирланган оғриқ қолдирувчи дори воситаларини яратиш ва тиббиёт амалиётига жорий қилиш долзарбдир.

Адабиётлар:

- 1.Ананьева Л.П. Симптоматическая терапия боли при ревматических забо-леваниях // Л.П. Ананьева // Consilium medicum. 2002. - Т.4. - № 8. -С. 416-426.
- 2.Бунчук Н.В. Анкилозирующий спондилит: новые возможности и перс-пективы фармакотерапии // Н.В. Бунчук // Фарматека. 2006. - № 6. -С. 26-31.
- 3.Каратеев А.Е., Яхно Н.Н., Лазебник Л.Б. и соавт. Применение нестероидных противовоспалительных препаратов. Клинические рекомендации. М.: ИМА-пресс, 2009.167с.

Зияева М.Н., Исмаилова Ф.Х.

СОСТОЯНИЕ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ СТРАН СНГ

Ташкентский фармацевтический институт, г.Ташкент, Республика Узбекистан

E-mail: pharmi@bcc.com.uz

Цель: Целью исследования является сравнительный анализ современного состояния фармацевтических рынков стран СНГ, а также выявление общих тенденций развития и позиции государства в сфере здравоохранения и фармации в исследуемых странах.

Методы: Законодательные и нормативные акты в сфере здравоохранения и фармации Казахстана, Украины, Грузии, Армении. В процессе исследования использовали **методы:** документального анализа, экономико-статистического анализа.

Результаты: Благодаря географическому расположению в самом центре Средней Азии, ускоренно развивающейся экономики и населения, Республика Узбекистан стала одной из наиболее быстро растущих фармацевтических рынков в странах СНГ. На протяжении более двух десятилетий эксперты мирового фармакологического сообщества отмечали непрерывное и поступательное расширение фармакологического рынка Узбекистана, который, как ожидается, имеет все предпосылки и для дальнейшего расширения, что, естественно, обуславливается наличием неуклонного и динамичного экономического развития и растущего спроса населения. По оптимистичным прогнозам со стороны местных аналитиков, к 2020 году ожидается увеличение емкости рынка, составляющий 8-10%-й годовой прирост.

Фармацевтический рынок РФ является лидером как по объему продаж так и в натуральных показателях. РФ содействует приходу международной индустрии через модель локализации и активное финансирование потребления и не делит (пока) продукцию на «отечественную» и «локально произведенную»; переход на стандарты GMP выступит драйвером повышения конкурентоспособности локальной продукции. Важным аспектом развития розничного сектора фармацевтических рынков стран СНГ является укрупнение аптечных сетей. Необходимость создания аптечных сетей на Украине, как и во многих других странах, диктуется правилами развития рынка. Розничная аптечная сеть - это в первую очередь системный инструмент совершенствования и контроля каналов сбыта. Это контролируемая торговая наценка, количество аптек с учетом плотности проживающего населения, диверсификация финансовых рисков и четкая централизованная система расчетов с поставщиками. Отметим, что до сих пор на Украине нет ни одной аптечной сети национального масштаба - большинство из них небольшие и действуют исключительно в пределах одной области. Казахстанский фармацевтический рынок демонстрирует позитивное развитие, о чем свидетельствуют высокие темпы его роста, обусловленные прежде всего увеличением государственных расходов на лекарственное обеспечение (возмещаемый сектор составляет 45% всего рынка). В отличие от большинства других стран в Казахстане в структуре потребления доминируют рецептурные препараты (76%), что можно отнести за счет последовательно проводимой государственной политики, направленной на рациональное назначение и использование ЛП. Помимо фармрынков стран СНГ нами проанализированы и сравнены рынки Грузии и Армении. В Грузии созданы благоприятные условия для торговли лекарствами: нет НДС, отменено лицензирование импорта, разрешен параллельный импорт. В 2009 г. принят новый закон о лекарствах, который ввел упрощенный режим допуска на рынок препаратов, разрешенных в странах с жесткими регуляторными требованиями, что привело к сокращению затрат и сроков (от 10 дней до 2